



2019 йил 20 июль

№

282/5-42

Термиз шаҳри

Вилоятда олий таълим муассасаларининг фаолияти ҳамда ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сон қарори ижроси юзасидан вилоятда олий таълим муассасаларининг фаолияти ҳамда ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили Ё.Каримовнинг ахборотини эшитиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4359-сон қарори дастуриамал ҳужжат сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда олий таълим муассасаларидаги давлат қабул комиссияси фаолияти ҳамда кириш учун ўтказиладиган тест синовларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили Ё.Каримовнинг ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Термиз Алпомиш кураш мажмуаси, Термиз давлат университети спорт мажмуаси биноси, Сурхон спорт мажмуасининг 2 та биноси, Термиз олимпия захиралари мактаб-интернати биноси ва вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати биноларида жами 9 та бинода вилоятдаги барча абитуриентлар учун олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Р.Чориев**, вилоятдаги олий таълим муассасалари раҳбарлари, алоқадор ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда:

қабул жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда мувофиқлаштириш учун малакали мутахассислардан иборат “Абитуриент-2019” штабини ташкил этсин;

абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун олий таълим муассасаларида ҳар куни соат 9.00-19.00 гача (1 сентябргача муддатга) ишлайдиган Мурожаатлар марказининг (“Колл центр”) фаолиятини жадаллаштирсин;

3 кун муддатда ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича қабулни Давлат тест маркази, ички ишлар бошқармаси, вилоят ҳокимлиги билан биргаликда юқори савияда, жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда ташкил қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, уларнинг тасдиқланишини таъминласин. Бундан, **Сурхондарё телевидениеси** (Б.Мингбоев) билан келишган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбарларининг вилоят телеканали орқали чиқишларини амалга оширсин;

тест синовлари ўтказиладиган биноларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинганлигини таъминласин;

тест синовлари ўтказиладиган биноларни совутиш, вентиляция тизимларини таъминлаш ишларини соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб чиққан ҳолда талаб даражасида жиҳозласин ва барқарор ишлашини таъминласин, бунда бинолар резерв электр қуввати билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратсин;

ота-оналар учун кутиш жойларини белгиласин, соя-салқин жойларда ўриндиқлар ташкил этиш чораларини кўрсин, енгил овқатланиш жойлари ҳамда маиший шароитларни (жумладан, хожатхоналар) ташкил қилсин;

тест синовлари адолатли, шаффоф, ва хавфсиз ўтишини таъминлаш мақсадида тест ўтадиган жойларда **Штаблар ташкил қилсин;**

5. Ҳудуддаги олий таълим муассасалари раҳбарлари:

қабул комиссияларида тест бўлиб ўтадиган биноларнинг жойлашган жойини кўрсатувчи ҳудуднинг режа-чизмаси туширилган йирик ўлчамдаги панноларни ота-оналар, абитуриентларнинг кўриши қулай бўлган жойларга жойлаштирсин;

биноларга бориш йўналишини кўрсатувчи белгиларни тайёрлаш ва ўрнатиш, тест синовлари тартибларини кўрсатувчи афишаларни тайёрлаш, абитуриентлар кўриши ва ўқиши учун қулай бўлган жойларга ўрнатиш чораларини кўрсин;

тест синовлари ўтказилиши белгиланган биноларда гуруҳлар рақами ёзилган кўрсаткичлар билан таъминлаш, аудитория назоратчиларининг бинодан ташқарида гуруҳларни шакллантириши учун гуруҳ рақами ёзилган кўрсаткичларни тайёрласин;

абитуриентлар столига қўйиш учун мўлжалланган эслатмаларни А4 форматда рангли тасвирда белгиланган миқдорда тайёрласин ва столларга ўрнатсин;

тест кунлари ҳар сменада тест синовлари тугагандан кейин бинонинг ва столларнинг озодалигини назоратдан ўтказиш, тозалаш ишларини ўтказиш,

столларда ручка ва сувларнинг мавжудлигини текшириш, камайган жойларга қайтадан қўйиб чиқиш каби вазифаларни бажариш учун масъул ходимлардан иборат навбатчилик ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси (Ж.Жафаров):

тест синовлари ўтказиладиган биноларни шахсни идентификация қилиш воситалари, видео кузатув ҳамда алоқа тўлқинини тўсувчи қурилмалар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликка тест синовлари жараёнини ёритиш учун хизмат қилувчи катта мониторлар билан жиҳозласин ва уларни ишчи ҳолатига келтирсин;

тест синовларида абитуриентларни бинога киритишда шахсни идентификациялаш қурилмалари талаб даражасида ишлашини ва тест синовига келмаган абитуриентлар ҳақида маълумот Давлат тест маркази вакилига етказилишини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин.

Таълим муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари тест синовлари ўтказиладиган, уларга тегишли бўлган биноларда мавжуд барча жиҳозлар сақланишига **шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.**

7. Термиз Алпомиш кураш мажмуаси, Термиз давлат университети, Сурхон спорт мажмуаси, Термиз олимпия захиралари мактаб-интернати, Бадий академия ҳузуридаги вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати раҳбарлари биноларда ишчи гуруҳ штаби учун барча шароитларга эга бўлган алоҳида хона ажратиш ҳамда бош штабда тест материалларини сақлаш учун сейф билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вилоят санитария ва эпидемиология назорати маркази (А.Мустанов) тест синовлари ўтказиладиган бино ҳудуди олдида ота-оналар учун ажратилган жойларда, ташкил этиладиган савдо шаҳобчаларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувларининг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини назоратга олсин.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Чориев Давлат тест марказининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили Ё.Каримов билан биргаликда тест синовлари ўтказиладиган катта сифимли биноларни яна бир бор кўздан кечириш, бунда асосий эътиборни ёнғин хавфсизлигига қаратиш ҳамда малакали назоратчилар (уларни пухта тайёрлаган ҳолда) билан тўла таъминлаш, шунингдек тест синовларини юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

2019/2020 ўқув йили қабулида ўтказиладиган тест синовларини ташкил этиш ва бу билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш Давлат тест марказининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий вакили (Ё.Каримов) зиммасига юклансин.

10. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Шукуров) тест синовлари ўтказиладиган жойларда тиббий навбатчилик ташкил этилишини таъминласин.

11. “Сурхондарё худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти (М.Шамсиддинов) 2019/2020 ўқув йили қабулида тест синовлари очик ва холис ўтказилишини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича тест синовлари ўтказиладиган биноларни 2019 йил 25 июлдан 25 августга қадар узлуксиз электр қуввати билан таъминласин.

Белгиланган талабга асосан тест ўтказиладиган вақтда электр тармоғида узилишлар бўлиши қатъиян тақиқланганлигига амал қилган ҳолда, тест ўтказиладиган биноларнинг электр тизимини қайтадан ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни икки кун муддатда бартараф этсин.

Тест ўтказиладиган биноларга электр энергияси билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кўшимча дизель станцияларини ташкил қилсин.

12. Вилоят ички ишлар бошқармаси (Ш.Сатволдиев) тест синовлари хавфсиз ўтишини таъминлаш учун барча зарурий чоралар, хусусан абитуриентлар ота-оналари тўпланадиган жойларга ходимлар сонини, махсус транспорт ва алоқа воситаларини кўпайтириш чораларини кўрсин.

13. Термиз шаҳар ҳокимлиги (И.Худойбердиев):

тест ўтказиладиган бинолар атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсин.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси (С.Эшматов) билан биргаликда:

ота-оналар кутиш жойларида салқин ичимликлар ҳамда тез бузилмайдиган озиқ-овқат савдосини ташкил қилсин.

14. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (С.Эшматов) вилоят ИИБ ЙҚХБ (З.Қаюмов), вилоят транспорт бош бошқармаси (А.Хўжамқулов) билан биргаликда тест жараёнлари ўтказиладиган кунлари автомобиль қатновини белгиланган тартибда ташкил этиб, йўл кира нархларининг сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси Ф.Шарипов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Чориев зиммаларига юклансин.

16. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков